

ШАХС ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ**Султонова Назокат Отабек қизи***Фарду, ижтимоий иш талабаси*

Баркамол авлодни тарбиялаш ва мукамалликка етказиш оиладан бошланади. Инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур эта олмайди ва мана шу муҳитда у жамият аъзоси сифатида камолотга эришади. Оиладаги тарбия муҳити, шахслараро муносабатлар, ота оналарнинг ёши, маълумоти, оиланинг таркиби ва бошқо омиллар фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатади.

Оиладаги тарбия муҳити оилавий муносабатлар маданиятига боғлиқ. Ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро яхши муносабати, қарияларга ҳурмат-эътибор, фарзандларнинг ўзаро муносабатларининг тўғри йўналтирилганлиги, ота-онанинг фарзанд тарбиясига ўта масъуллиги, оилада ўрнатилган намунали тартиб ва ижобий урф одатлар, ота-онанинг меҳнатга, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига тўғри тмуносабатда бўлиши кабилар оилавий муносабатлар маданиятининг нозик қирраларидир. Оилада боланинг маънавияти, яъни ахлоқий қиёфаси шаклланади, эзгулик ва ёвузлик, орномус ва ҳалоллик, бурч ва масъулият ҳақидаги тасаввурлари пайдо бўлади. Олиб борилан тадқиқотлар таҳлиliga эътибор қилсак, ўзбек оилаларида фарзанд тарбиясига унинг маънавиятига катта эътибор берилади.

Янги аср оиласи учун энг ножоиз хусусият оиланинг нотинчлигидир. Оиладаги осойишта - бир маромдаги тадрижий ҳаёт тарзининг бузулиши, оилага гина-кудрат, уруш-жанжал, айрилиш ва ҳижрон каби турли хил фалокатларнинг ёғилиши шу оила аъзолари учунгина эмас, балки шу оила яшаб турган жамият учун ҳам кўнгилсиз ҳодисадир.

Оила инсонни саодатга олиб чиқувчи асосий ҳаёт муассасасидир. Шу маънода олиб борилган тадқиқотларда респондентларимизга «Оила қуриш заруриятининг энг муҳим сабаби нима?» мазмунидаги савол билан мурожаат қилинди. Олинган жавобларга кўра, шуни айтиш мумкинки, ўзбек оилаларида оила қуриш тушунчаси ахлоқий даражада тушунилади. Бунда ота-она бўлиш масаласининг илк режага кўйилиши (50 %)ни кўрсатгичи ўзбек миллий оила тизимининг характерини кўрсатади. Шу ўринда буюк аллома Абдурауф Фитратнинг оила асослари ҳақидаги фикрларини келтириб ўтамиз. Фитратнинг фикрича, «Оила қуришда ёшлар тўрт нарсага эътибор беришлари лозим: мол, насаб, ҳусн ва иймон-эътиқод». Аслида бу тўрт тушунча асрлар давомида шарқ мутафаккирлари томонидан таъкидлаб келинган. Фитрат ҳам шу анъанага содиқ қолиб оила қуришда ушбу масалаларга диққат қилишни уқтиради. Бу ўринда «мол»-рўзгор тебратиш учун етарли маблағнинг бўлишини, «насаб»-наслий касалликларнинг бўлмаслиги ва тенг-тенги билан

тушишини, «хусн»-эр-хотиннинг ўзаро мос бўлишини ва «иймон» эса-маънавий пок ва ахлоқли бўлишини англатади.

Фитратнинг бу қарашлари кучли оила тизимини шакллантиришга бўлган бундан салкам юз йил олдинги уриниш эди. Бугунги мустақил Ўзбекистонда уларни ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Оила қуришга чоғланаётган эркак ва аёл ана шу тўрт масалада мос тушиши лозим ва шундагина уларнинг турмуши бахтли кечади. Оилада фарзандлар тарбиясини яхшилаш йўлларини аниқлашга қаратилган саволларимизга берилган жавоблардан англашиладики, аҳоли ўртасида бола тарбиясини ташкил қилишга қаратилган ўзига хос анъанавий тарбия тизими мавжуд бўлиб, ҳар бир оила ўз фарзандларига ана шу мезон нуқтаи назардан ёндашиб тарбия беради.

Оиладаги фарзандлар тарбияси жараёнида фарзандларимизни замонамизга мос баркамол шахс қилиб етиштириш учун ота-онанинг умуминсоний қадриятлар руҳида, меҳнатсеварликка ўргатиб, шахсий намуна кўрсатишни унутмаган ҳолда тарбия беришлари яхши натижа беради. Шунингдек ота-оналар фарзандларини ҳар хил зарарли ва ёт таъсиротлардан ҳимоялашга ҳам масъулдирлар.

Оиланинг ҳозирги мураккаб мафкуравий жараёнда тутган мавқеи, ёт мафкуралар, хусусан динни ўзига ниқоб қилиб олган экстремистик гуруҳларнинг оилалардаги мафкуравий лоқайдлигидан фаол фойдаланаётганлиги, бунинг жамиятимиз давлат ҳавфсизлиги ва маънавий ҳаётига катта таҳдид солаётганлиги масаласига махсус ёндашишни талаб қилади. Ҳақиқатдан ҳам юртда бузғунчи ғояларнинг тарқалишига ким айбдор деган савол туғилади. Ёшларни ўқишга, ишга, турли тўғарақларга жалб қилиш фақат тарбиявий нуқтаи назардан эмас, балки келажакда жинойтчиликни кескин камайтиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Шу туфайли ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёв халқ таълими тизимини бутунлай ислоҳ қилиш масаласини кўндаланг қилиб кўйдилар. Чунки, айрим ота-оналар, халқ таълими тизими, маҳалла фаоллари ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган шахслар таъсиридан болаларни муҳофаза этишда эътиборсизлик қилмоқдалар. Ҳеч кимга сир эмас, зўравонлик, маиший енгилтақлик ва жоҳилликни тарғиб қилувчи чет эл фильмлари мавжуд экан, ғоявий зарарсизлантириш, уларнинг йўлини тўсиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим.

Ёшларни ёт ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилишнинг энг асосий негизи уларнинг она юртига нисбатан иймон ва эътиқодини кучайтиришдир. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганини жуда яхши билади. Эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдида бунёдкорлик ғоялар, мақсадлар кўйиб, баркамол бўлишга тиришади, ғайратлилик унинг ҳаёт тарзига айланади. Шунинг учун замон, ислоҳатлар биздан эътиқод, мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъият, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби фазилатларни талаб қилмоқда.

Ғоявий тарбияда тарбияланувчиларнинг ривожланишини ёши, типологик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиниши қатор педагогик муаммоларнинг

олдини олади. Масалан: Бола ёши ошиб борган сари ота-онадан узоклаша боради ва ўсмирлик даврида бузғунчи ғояларга кириб кетиш хавфи туғилади. Ота-оналар болани физиологик ёшини ҳисобга олмайди ва бу камчилигини, хатосини улар англашмайди. Оилавий шароити ночор бўлган бола ота-оналаридан норози бўлиб, 14-15 ёшга етганда оиласидан, ота-онасидан ҳар хил камчиликлар топиб, айблай бошлайди, яъни унда оппозицион – мухолиф фикр туғилади. Ёшликдаги ота-она норозилиги улғайган сари жамиятга, давлатга қарши бузғунчи ғояларга айланиши мумкин. Оилада ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги ўзаро ишонч бузғунчи ғояларнинг олдини олади. Оилаларда ўтказилган суҳбатларимизда ота-оналар боласига нотўғри айб қўйиб ота-онага нисбатан ишончини сўндирмаслик кераклиги ҳақида гапирдилар. Оила ва маҳалла томонидан йўл қўйилган арзимас хато камчилик болада одамга нисбатан ишонч туйғусини сўнишига, унга ишонадиган одамларни кўчадан излашга олиб келади.

Миллий тарбияда оила ва онанинг саводхонлигининг алоҳида ўрни ва нуфузини ҳисобга олиб, хотин-қизларнинг бола тарбияси ва оилавий рўзгор ишларини юритиш борасидаги билимдонликларини такомиллаштириб бориш; «оналар мактаблари» ташкил этиш ҳам катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда аёлларга билдирилган юксак ишончнинг замирида уларга хос буюк оналик меҳр-муҳаббати, мафкуравий тарбияга қўшажак куч-ғайратлари, ноёб истеъдодлари ётади. Жаҳон маданияти ва маънавиятига катта ҳисса қўшган Ал Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Ал-Марғинонийларни дунёга келтириб, тарбия берган момоларимизнинг ворислари бўлган замонавий аёллар ҳам соғлом фикрловчи, Ўзбекистон тараққиёти учун бутун билим ва иқтидорини аямайдиган ёшларни тарбиялаб беришларига шубҳа йўқ. Бизнинг жамиятимизда оилаларга ва аёлларга кўрсатилаётган юксак эҳтромларнинг асосида ҳам уларнинг фидоийлигини тан олиш, мафкуравий ишларнинг муваффақиятида улар дид ва фаросатини эътироф этиш ётади. Зеро, бу давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамракулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.
2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамракулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.
3. Хамракулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК

ИМКОНИАТЛАРИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2 (Special Issue 2), 140-146.

4. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ (pp. 49-51).

5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(10), 233-237.

6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In Наука сегодня: проблемы и пути решения (pp. 48-49).

7. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений. Бюллетень науки и практики, (12 (25)), 293-299.

8. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ (pp. 59-61).

9. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием. Бюллетень науки и практики, (11 (24)), 357-363.

10. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 43-46.

11. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdukarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 40-42.

12. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).

13. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.

14. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 780-783.

15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.

16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign

Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 36-39.

17. Хонкелдиева К., & Хо'Жамбердиев Ж. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. *Экономика и социум*, (3 (70)), 145-147.

18. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. *Universum: химия и биология*, (5 (71)), 5-9.

19. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).

20. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).

21. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).

22. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 17-18).

23. Бахтиёрович, Ҳ. Ж. (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРИДА ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ҚЎЙИЛИДИГАН ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(4), 1-6.

24. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя*.

25. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).

26. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).

27. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 13-15).

28. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 61-62).

29. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 36-37).